

Tanlov



ERASMUS+ Халқаро кредит мобиллик лойиҳаси доирасида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Нитрадаги Словакия қишлоқ хўжалиги университети ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида гидравлика ва муҳандислик гидрологияси, қишлоқ, ва сув хўжалиги, муҳандислик фанлари мутахассисликлари бўйича номзодларни танловда қатнашиш учун таклиф қилади.

Номзодлар қуйидаги йўналишлар бўйича ҳужжат топширишлари мумкин:

- Профессор - ўқитувчилар 10 кунлик малака ошириш курси (Staff Training) (1 та ўрин);
- Докторант ва мустақил тадқиқотчилар учун 3 ойлик ўқув курслари (1 та ўрин).

Номзодлардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- Паспорт нусъҳаси (Copy of Passport);
- Маълумотнома (Euro pass Curriculum Vitae (CV));
- Мақсадни ифодаловчи хат (Letter of Motivation);
- Тавсиянома (Recommendation letter) (2 дона);
- Тил билиш сертификати;
- Олий маълумот тўғрисидаги дипломлари нусъҳаси иловаси билан (Diploma and appendix);

Танловда институтнинг гидравлика ва муҳандислик гидрологияси қишлоқ ва сув хўжалиги, муҳандислик фанлари мутахассисликлари профессор-ўқитувчи ва тадқиқотчилари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар 2021-йилнинг 14 июн саот 18:00 га қадар ТИҚХММИнинг “Гидравлика ва гидроинформатика” кафедрасида қабул қилинади.

Муражат учун: Айбек Арифжанов, Луқмон Самиев

Е-маил: obi-life@mail.ru, luqmonsamiev@mail.ru

Тел: +998977751390, +998712371971